

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИЕВ ФЕРУЗ ИБОДУЛЛО ЎҒЛИ

**ПАСТКИ ЖАҒ НУҚСОНЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ ТАЙЁРЛАНГАН
ТИТАН ИМПЛАНТАТЛАРИ БИЛАН ТИКЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тожиев Феруз Ибодулло ўғли

Пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган
титан имплантатлари билан тиклаш..... 3

Тожиев Феруз Ибодулло угли

Восстановление дефектов нижней челюсти индивидуально
изготовленными титановыми имплантатами..... 25

Tojiev Feruz Ibodullo ogli

Restoration of defects in the lower jaw with
custom-made titanium implants..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТОЖИЕВ ФЕРУЗ ИБОДУЛЛО ЎҒЛИ

ПАСТКИ ЖАҒ НУҚСОНЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ ТАЙЁРЛАНГАН
ТИТАН ИМПЛАНТАТЛАРИ БИЛАН ТИКЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib156.3 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsd.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азимов Азиз Мухамаджонович
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Супиев Турган Курбанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)

Баймурадов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

SAMSUNG medical centr университети (Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашининг 2021 йил «11» сентябр соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru; факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.
(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А.Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жағ нуқсонлари ва деформациялари бўлган беморларни тиббий реабилитацияси реконструктив юз-жағ жарроҳлигининг долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади. Бундай нуқсонлар юз-жағ соҳаси аъзолари функцияларининг сезиларли ўзгаришларини, юзнинг пастки соҳаси юмшоқ тўқималарининг шакл бузилишини келтириб чиқаради. Илмий манбаларда келтирилишича «...жароҳатланишларнинг энг оғир асоратларидан бири бу-ногиронликдир. Шу билан бирга, ёшлар орасида жароҳатларда ногиронликнинг сабабларидан, фақатгина 25-30% ҳолларда жароҳатларнинг оғирлиги бўлса, 30-70% ҳолатда-ташхислаш, даволаш ва тиббий ёрдамни ташкил этишдаги камчиликлардир. Бош ва бўйин нуқсонларини келиб чиқиши сабабларидан бири бу онкологик касалликлар ва уларнинг асоратлари ҳисобланади. Барча аниқланган хавфли ўсмалар орасида бош ва бўйин ўсмалари 6-10% ни ташкил қилади...»¹ йилдан йилга ўтиб онкологик ўсмалар билан касалланиш кўрсаткичлари бутун дунёда ўсиб бормоқда, бу эса муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида жағ нуқсонлари, деформациялари бўлган беморларни реабилитация усулларини ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аутотрансплантатлар ва металлдан ясалган стандарт пластинкалар энг яхши пластик ҳом ашё сифатида ишлаб чиқиш; пастки жағ нуқсонларида аутоковурға, ёнбош суяги қирраси, метатарзал суяк, катта болдир ва кичик болдир суяклари қўлланилади. Бундан ташқари, пастки жағ ва трансплантат суяк тўқимасининг архитектураси ҳар хил бўлганлиги сабабли, операциядан кейинги даврда некроз ёки трансплантатни рад этилиш ҳолатларини аниқлаш; мазкур усулни нур касаллиги, скелетнинг тизимли шикастланиши, болалик ва кексалик давларида қўлламаслик тизимини ишлаб чиқиш; ушбу беморларни реконструктив даволаш ва реабилитацияси замонавий тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Мамлакатда соғлиқни сақлаш тимизини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, паски жағни нуқсонларини ташхислаш ва тиклаш усулларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»² каби вазифалар белгиланган. Бу ўз навбатида пастки жағ нуқсонни бўлган беморларни даволашни, мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

¹ Кулаков А.А., Неробеев А.И., Рогинский В.В. Клинические рекомендации по диагностике и лечению пациентов с челюстно-лицевыми деформациями врожденного и приобретенного генеза // М.: 2014, С.34

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Давлат дастурида, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда келтирилган таснифга эга бўлган юз соҳаси деформациялари орасида катта гуруҳни пастки жағ тўлиқ ривожланмаслигининг турли шакллари ташкил қилади. Бу гуруҳнинг ахамияти Х.А. Каламқарова ва ҳаммуаллифлар (1981) маълумотларига кўра, унинг миқдорий хажми билан белгиланмайди, чуқи бу деформациялар орттирилган нуқсонларнинг 15%дан ортиқ ва турли генездаги барча пастки жағ деформацияларининг 3-5%ни ташкил қилади. Адентияда суяк тўқимасининг атрофияси нафақат альвеоляр соҳанинг тўлиқ йўқолиб кетишига, балки пастки жағ базал соҳаларининг қисман атрофиясига олиб келиши мумкин, бу юз-жағ соҳасида жиддий топографо-анатомик ўзгаришларни келтириб чиқаради ва адентияли беморларни реабилитацияси учун катта қийинчиликлар туғдиради (Миргазизов М.З., 2000, Робустова Т.Г., 2003, Chipaseo M. et al.1997).

Ўзбекистонда бугунги кунга қадар пастки жағдаги нуқсонларни даволаш долзарб муаммолигича қолиб келмоқда. Бу касалликлар пастки жағнинг йирингли яллиғланиш, жароҳат, ўсмасимон касалликлари ҳамда жағнинг шаклини туғма бузилиши оқибатларида келиб чиқади. Кўп йиллардан бери бу муаммолар устида бир қанча олимларимиз иш олиб борганлар ва бу йўналишда илмий изланишларни давом эттиришган (Азимов М.И., Абдуллаев Ш.Ю., Маҳкамов М.Э., Махмудов А.А., Храмова Н.В.). Нуқсонни тиклаш учун аутотоғай, аутоқовурға, метатарзал суяк ва сунъий материаллардан тайёрланган пластмассалар ишлатилиб келинган. Нуқсонни тиклашда фойдаланилган аутотоғай, аутоқовурға, метатарзал суяк ва сунъий материаллардан тайёрланган пластмассалар операциядан кейин вақт ўтиб яллиғланиш жараёнини чақирган, қуйилган суяклар сўрилиши ва ишлатилган сунъий материаллар синиши кузатилган, бу муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Пастки жағ нуқсонларининг келиб чиқишига олиб келадиган асосий сабаблар шикастланишлар, одонтоген ва посттравматик йирингли яллиғланиш, онкологик касалликлар, жағ шаклининг тугма бузилиши ва уларнинг асоратлари бўлиши мумкин. Ушбу беморларни тикловчи даволаш ва реабилитацияси замонавий тиббиёт фани ва амалиётининг долзарб муаммоси ҳисобланади, чунки бутун дунёда жароҳатлар ва онкологик касалликларнинг ўсиш тенденцияси сақланиб қолмоқда (Неробеев А.И., Вербо Е.В. 2005; Boyne P.J., 2001). Охирги 10 йилликда асосан титандан тайёрланган стандарт шаклидаги пластинкалар ҳамда стандарт шаклдаги бугим ўсиқлари ишлатилиб келинган. Бу ишлатилаётган стандарт шаклдаги имплантатлар ҳам бир қанча камчиликларга эга. Шу муносабат билан мазкур масалаларнинг туб ва амалий аҳамияти ўрганиш бўйича янги тадқиқотларни ўтказиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини асослаб берди.

Шундай қилиб, шу кунгача жағ реконструктив пластикасининг мавжуд бўлган усуллари етарлича ўрганилмаган, бир қатор камчиликлари мавжуд (Параскевич В.Л., 2006; Babuson Ch., 2001). Маълумки, ушбу тоифадаги беморларга малакали ёрдам кўрсатиш учун келгуси реабилитация босқичида бир қатор мутахассислар: ортодонт стоматолог, ортопед стоматолог, юз-жағ жарроҳи, муҳандислар ва бошқаларни жалб қилган ҳолда мураккаб операциялар ўтказилиши зарур, бу ўз навбатида мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01190023 «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари, деформациялари, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатлари, ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясига замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2025 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: симметрик тарафдаги соғлом жағ шакли бўйича нуқсонни тўлдирувчи қўйма титан имплантати конструкциясини ишлаб чиқиш ҳамда уни қўллаш самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тикланаётган пастки жағ нуқсонининг анатомик-функционал хусусиятларини инобатга олган ҳолда, индивидуал тайёрланадиган қўйма титан имплантат конструкциясини ишлаб чиқиш;

беморларни титан имплантатлар ёрдамида пастки жағ нуқсонини тиклашга тайёрлалашда операция олди алгоритминини ишлаб чиқиш;

пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари ёрдамида тиклаш услубини ишлаб чиқиш;

титан имплантати ўрнатилганидан сўнг пастки жағ ҳаракатланиши ва чайнов функцияларининг тикланиш даражаларини ўрганиш;

беморларда индивидуал тайёрланган имплантатлар ёрдамида жағ нуқсонлари тикланганидан сўнг юз эстетикаси таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида, 2016-2021 йиллар мобайнида, ТДСИ болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида стационал даволанишда бўлган, пастки жағ нуқсонлари бўлган 44 та бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида, пастки жағ нуқсонини тиклаш учун индивидуал тайёрланган титан имплантатлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини бажариш мақсадида: рентгенологик (ортопантомограмма, КТ, МСКТ), антропометрик (ташқи кўринишнинг олдинги ва ён томон фотосуратлари, операциядан олдинги стереолитографик моделлар, окклюзия ҳолати), клиник-лаборатор, статистик текшириш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор мультиспирал компьютер томография ва 3D моделлаштириш натижаларига асосланиб, юз ва жағ суякларининг 1:1 ўлчамдаги жарроҳлик шаблони яратилган;

юз ва жағ суяклари моделини юқори-молекуляр полиэтилендан тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилиб, моделда сақлаб қолинган пастки жағ ортогнатик тишловга қўйилган ҳолатида, нуқсоннинг асл шакли ва ўлчами аниқланган;

3D моделлашни қўллаш орқали нуқсоннинг полиэтилен шаблонини тайёрлаш, шаблонни мослаштириш, жағнинг шох соҳаси ва бўғим ичига жойлаштириш технологияси ишлаб чиқилган;

индивидуал тайёрланган титан жағнинг титан-диоксид (биоактив қоплама) билан қопланган ички юзаси ҳамда беморнинг сақланиб қолган жағининг ташқи юзаси орасида остеоинтеграция жараёни борлиги аниқланган;

индивидуал тайёрлаб олинган пастки жағ титан имплантатларига дентал имплантатларни жойлаштириш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда илк бор мультиспирал компьютер томография рентген текширувига асосланиб юқори ва пастки жағларнинг 3D сканерлаш ва моделлаштириш ёрдамида яратилган стереолитографик моделларини қўллаш орқали, жарроҳлик амалиётининг аниқлиги яхшиланган ва оператив аралашувни бажариш вақти қисқартирилган;

индивидуал тайёрланган титан имплантатларини қўлланилиши жарроҳлик амалиётидан кейинги эрта ва кечиктирилган даврларда асоратлар сонини ва иккиламчи яллиғланишларни ривожланиш хавфини камайтириши исботланган;

илк бор индивидуал тайёрланган титан имплантатга жарроҳлик амалиётидан 2-3 ойдан сўнг, олиб қўйилмайдиган тиш протезлари билан тиш қаторларини тиклаш имкониятини берадиган тиш имплантатларини ўрнатиш технологияси ишлаб чиқилган;

индивидуал тайёрланган титан имплантатларини қўллаш орқали нуқсон ўрни тикланиб, шу билан бирга юз ассимметрияси бартараф этилган, пастки жағнинг тўғри харакати тикланган, овқат қабул қилиш ва равон сўзлаш функциялари яхшиланишига белгиланган;

индивидуал тайёрланган титан имплантатлари ёрдамида пастки жағ нуқсонларини тўлақонли бартараф этилиши ҳисобига беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш ва беморларни стационарда даволаниш муддатларини қисқартириши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи рентгенологик, антропометрик, клиник-лаборатор ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, жанубий ҳудудларида яшовчи мактаб ёшгача бўлган болаларнинг стоматологик статуси ва профилактик чора-тадбирлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, рақамли технологиялар ёрдамида жағнинг нуқсони учун биоинженерия конструкциясини индивидуал ишлаб чиқариш технологияси ва операциядан олдинги тайёргарлик тамойиллари ишлаб чиқилган, асосланган ҳамда амалиётга жорий қилинган бўлиб, бу ўз навбатида жарроҳлик амалиёти самарасини сифат жиҳатидан оширди ва юз-жағ соҳасидаги нуқсонларни тиклаш имкониятларини кенгайтирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, титандан ясалган индивидуал имплантатни моделлаштириш усулидан фойдаланган ҳолда жағ нуқсонларини тиклашда кам инвазив уч ўлчовли репозицияси ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда илк бора амалиётда қўлланилган бўлиб, беморнинг умумий ҳолати ва нуқсоннинг хажмига кўра операциядан олдинги алгоритми ҳамда операциядан кейинги комплекс реабилитацияни амалга оширишга имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Пастки жағ нуқсонларини титан имплантатлар билан бартараф қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

жағ нуқсонлари бўлган беморларни операция олди тайёргарлик алгоритминини ишлаб чиқишга қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Пастки жағ нуқсонлари бўлган беморларни индивидуал тайёрланган титан имплантатлари билан тиклаш учун операция олди тайёргарлик алгоритми” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 8н-д/127-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юқори ва пастки жағларнинг стереолитографик моделларини қўллаш орқали, жарроҳлик амалиётининг аниқлигини яхшилаш ва оператив аралашувни бажариш вақтини қисқартириш имкониятини берган;

жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари билан тиклаш усулларига қаратилган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари

билан тиклаш усули” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 февралдаги 8н-д/126-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари ёрдамида тиклаш имкониятини берган;

ишлаб чиқилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро филиалига ва Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 8н-з/81-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жаррохлик амалиётдан кейинги эрта ва кечиктирилган даврларда асоратлар сонини ва иккиламчи деформацияларни ривожланиш хавфини камайтириш, беморларни стационарда даволаниш давомийлигини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 1 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, текшириш мақсади ва вазифалари аниқ шакиллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шарҳи**” бобида пастки жағ нуқсонлари ва деформациялари мавжуд беморларнинг касаллик сабаблари, таснифи, тарқалиш частотаси, клиникаси, даволаш усуллари ва реабилитация чоратadbирлари тўғрисидаги илмий-амалий маълумотлар келтирилган. Мавжуд диагностика ва даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган. Қўшимча тадқиқотлар талаб қиладиган мунозарали саволлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот материалларининг хусусиятлари, шу


жумладан клиник материални умумий хусусиятлари, аниқлаш услуги, ўтказилган жарроҳлик аралашуви ва клиник-рентгенологик текширув усулларининг самарадорлик меъзонлари келтирилган.

Барча беморлар (n=44;100%) касалхонага ётқизилганида TOSHIBA фирмасининг Aquilion 128 аппарати ёрдамида МСКТ ўтказилди.

Асосий гуруҳда аксиал, сагиттал ва коронал текисликларда МСКТ маълумотлари коронал ва сагиттал текисликларда мультиспирал реконструкция қилиш ва 3D моделларни қуриш билан тўлдирилди.

Олинган маълумотларга ўртача арифметик (M), ўртача оғиш (o), стандарт хато (m) ва нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан статистик таҳлил дастурлари тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида $P < 0,05$ ишончлилик даражаси қабул қилинди.

2016-2021 йиллар даврида, ТДСИ клиникаси болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида пастки жағ нуқсонлари ва деформациялари мавжуд 44 нафар беморларда операциялар қилинди. Беморлар операция учун ишлатиладиган материалларга қараб 2 гуруҳга ажратилди. Жарроҳлик амалиёти натижалари стандарт пластиналар қўлланган 9 та бемор (I гуруҳ) ҳамда индивидуал ишлаб чиқарилган имплантатлар қўлланган 35 нафар (II гуруҳ) беморларда ўрганилди.




1-расм. Пастки жағ нуқсонларини бартараф этиш учун индивидуал имплантатни моделлаштириш, ишлаб чиқариш ва жарроҳлик амалиётида қўллаш алгоритми.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқотлар натижалари**» деб номланган бобида архив материалларининг умумий тавсифномаси, текширилган

беморларнинг клиник диагностик тавсифномаси, пастки жағ нуқсонлари ва деформацияларини жарроҳлик усулида даволашда стандарт пластиналарини ҳамда индивидуал ишлаб чиқарилган имплантатларни қўллаш натижалари келтирилган.

Пастки жағнинг ўнг томонлама нуқсонлари ва деформациялари бўлган беморларнинг сони кўп бўлиб – 21 нафар, бу ўрганилган беморлар умумий сонининг 47,7 фоизини ташкил қилади. Баъзи беморларда ўтказилган жарроҳлик амалиёти икки босқичда амалга оширилди.

Ўлчамлари бўйича пастки жағ нуқсонлари 1 дан 18 смгача бўлган. 5 нафар (11,3%) беморларда пастки жағнинг нуқсонлари 1 дан 3,0 см гача; 8 нафар беморда (18,2%) - 3,1 дан 5 см гача; 18 нафар беморда (40,9%) - 5,1 дан 8 см гача; 12тада (27,3%) - 8,1 дан 13,5 см гача ва 1 нафарда (2,3%) - 13,5 дан 18 см гача узунликда бўлган. Шундай қилиб, пастки жағ нуқсонларини сезиларли катта ҳажми (5,1 дан 8 см гача) беморларнинг кўпчилигида кузатилган.



2-расм. Пастки жағ нуқсонлари ва деформацияларини жойлашувига қараб учраш частотаси

Жойлашуви нуқтаи назаридан пастки жағнинг нуқсонлари жағнинг танаси ва бурчакларига кўпроқ (60%) тўғри келади, кам ҳолларда қанотлари (26,7%) соҳасида, энг кам учрайдиган соҳа - ияк (13,3%) соҳаси ҳисобланади.

Барча беморлар 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган. 21-30 ёшдаги ёш гуруҳларига беморларнинг энг кўп қисми тўғри келади, бу 47,7 % ни ташкил қилади. Аёллар сонининг кўплиги яна бир аҳамиятга эга - 70,5 %.

Пастки жағ нуқсонлари мавжуд бўлган ҳолларда юз соҳасидаги юмшоқ тўқималарнинг тортилиши, чандикли деформация, тишловнинг бузилиши ҳисобига юзнинг деформацияси кузатилади.

Функционал бузилишлардан чайнаш, ютиш, нутқ ва баъзан нафас олишда қийинчиликлар кузатилади. Буларнинг барчаси кўп миқдорда сўлак ажралиши билан бирга кечади. Юмшоқ тўқималардаги чандикли ўзгаришлар туфайли оғиз очишни чегараланиши, шунингдек косметик жиҳатдан

ўзгаришлар кўзга ташланади. Ушбу омиллар бемор руҳиятига салбий таъсир кўрсатди.

Барча беморларга пастки жағ нуқсони бўйича - суяк пластикаси операцияси ўтказилди.

Суяк пластикасининг энг қийин ва ҳал қилувчи лаҳзалари қуйидагилар бўлди: индивидуал имплантатни ўрнатиш учун майдонни тайёрлаш, индивидуал имплантатни пастки жағга маҳкамлаш, индивидуал имплантатни танлаш ва уни жағ суягига маҳкамлаш.

Даволаш натижаларини қиёсий баҳолаш клиник ва рентгенологик текширув маълумотларига ва беморни шифохонада даволанган кунлари таҳлилига асосланган. Беморларнинг ёшига қараб тақсимланишининг таҳлили шуни кўрсатдики, 21 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш гуруҳи сон жиҳатдан энг кўп беморларга тўғри келди, бу 47,7% ни ташкил қилади. 9 нафар беморда нуқсонлар онкологик операциялардан сўнг пайдо бўлган (пастки жағнинг турли хил резекциялари). Посттравматик нуқсонлар ва деформациялари бўлган беморлар 10 кишини ташкил этди; 19 нафар беморда нуқсонлар ва деформациялар сурункали остеомиелитни - секвестрэктомия усулида даволашнинг сўнгги босқичидан сўнг пайдо бўлган. Жағларнинг туғма аномалияси ва деформациялари бўлган беморлар 6 нафар эди. Улардан, пастки микрогнатия - 5 нафар, бўғим ўсимтасининг метаплазияси 1 нафар беморда кузатилди.


Беморларни клиник текшируви анъанавий схема бўйича стандарт усуллар ёрдамида ўтказилди.

Клиник текширув давомида юзнинг симметрияси, функционал бузилишларнинг мавжудлиги (оғизни очилишини чегараланиши, юзнинг пастки соҳаси деформациясининг намоён бўлиши ва бошқалар), ярадан ва оқмалардан ажралмаларнинг мавжудлиги аниқланиб баҳоланди; қолиплар олиниб, уларни баҳолаш учун диагностик моделлар ясалди. Операциядан олдинги даврда лаборатория текширувлари ҳам ўтказилди: қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қонни биокимёвий талили, қондаги қанд миқдори аниқланди. Ўрганилаётган касаллик тарихидаги қон таҳлиллари кўрсаткичлари солиштирилганда динамикада деярли ўзгаришлар йуқлиги аниқланди.

Шунингдек, ўтказилган жарроҳлик муолажасини баҳолаш учун беморлар операциядан олдин ва кейин суратга туширилди. Барча беморлар операциядан олдин ва кейин бир хил шароитда 2 та проекцияда суратга туширилди (юз ва профил тасвирлари)(4-расм).

Рентгенологик текширувлар операциядан олдин ва кейин ўтказилди. Клиник ҳолатга қараб, булар: ортопантограмма, пастки жағнинг юз томонлама ва профил рентгенографиялари, ярим аксиал проекцияси ва компьютер томографияси. Рентген тасвирлар жарроҳлик амалиётидан олдин ва кейин бир хил проекцияда ва жойлашишда бўлган. Рентгенограммалар қуйидаги белгиларга кўра баҳоланди: стандарт бўғин бошчалари мос келмаслиги оқибатида бўғим чуқурчаси соҳасида суяк резорбциясининг


мавжудлиги, пастки жағнинг чиқиши, фиксацияловчи винтларининг ҳолати ва бошқалар.



А



Б



В



Г

3-расм. Бемор М.М. ЧПЖБ нинг икки томонлама анкилози.

А - операциядан олдинги ҳолат ; Б , С, Д - стандарт пластинка ва бўғим ўсиғини қўллаб қилинган операциядан кейинги ҳолат.

МСКТ - ўрганиш TOSHIBA фирмасининг Aquilion 128 аппарати ёрдамида аксиал, коронар ва фронтал проекцияларда мультиспирал сканерлаш (кесмалар 1/1 мм; pitch 1-1,5), сўнгра бош суягининг текширилган қисмларининг мультипланар реформацияси ва ҳажмли (3D) тасвирни яратиш билан амалга оширилди. Тасвирни таҳлил қилиш юмшоқ тўқималар ва суяк ойналари режимларида ўтказилди, чизиқли параметрларнинг зарурий ўлчовлари ўтказилди, хаунсфилд объектив математик бирликларида тўқималарнинг тури ва зичлиги аниқланди.



А



В



Б



Г


4-расм. Бемор С.З. ЧПЖБнинг икки томонлама анкилозию. А,Б - операциядан олдинги ҳолат ; В,Г – индивидуал имплантатни қўллагандан кейинги ҳолат

1-жадвал

Пастки жағ нуқсонлари ва деформациялари этиологияси бўйича беморларнинг тақсимланиши

Этиологик омиллар Жинси	Жароҳатлар дан сўнг	Йирингли- яллиғланиш жараёнлари дан кейин	Суяк ўсмаларини олиб ташланган дан сўнг	ЧПЖБ нинг туғма аномалия лари	Жами:
Аёллар	7	13	6	5	31
Эркаклар	3	6	3	1	13
Жами:	10	19	9	6	44

Барча беморларга операциядан олдинги даврда 3D-принтерда стереолитографик шаблонли пастки жағнинг компьютер 3D модели тайёрланди (5-расм).



5-расм. Операциягача бўлган даврда бемор жағларининг МСКТ ва уч ўлчамли модели

Диссертацияда титандан (ASTMF 67-00 АҚШ стандарти) ишлаб чиқарилган жуда яхши биологик мослиги билан етарли даражада механик пишиқ имплантатларни хусусиятларига батафсил техник тавсиф берилган. Titanium Ti64 материалдан тайёрланган маҳсулотлар ISO 5832-3, ASTM F1472 ва ASTM B348 сертификатларига мос бўлган кимёвий таркибга эга.

Биз таклиф этаётган индивидуал тайёрланган имплантатлар 35 нафар беморда қўлланилди. Индивидуал тайёрланган имплантатларнинг самарадорлигини баҳолаш учун улар пастки жағ бўғим ўсимтаси нуқсонларини ўрнини тўлдирувчи стандарт пластиналар (9 нафар беморда) билан қиёсий таққасланди.

Пастки жағнинг катта ҳажмдаги нуқсонлари мавжуд бўлган ҳолларда уларни бартараф этиш мақсадида индивидуал тайёрланган имплантатлардан фойдаланилди.

Имплантатнинг суяк билан бириккан соҳасида абсцесс, фаол оқмалар каби яллиғланиш белгилари кузатилмади. Барча беморларда имплантатнинг суяк билан тўлиқ консолидацияси кузатилди.

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг касалхонада даволаниш муддати ўртача 6 кунни ташкил этди. Амбулатория шароитида улар ўртача 28 кун давомида даволанишган.

9 ҳолатда пастки жағ танаси, шохлари ва бўғим ўсиғи нуқсонларини бартараф этиш учун стандарт бўғим ўсиқлари ва стандарт тайёрланган


пластинкалардан фойдаланилган. 6 нафар беморда пастки жағ нуқсонларини тиклашда стандарт пластинкалардан фойдаланилди. Ушбу беморларда 1-2 йил давомида юмшоқ тўқималарнинг қисман перфорацияси ва йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланиши кузатилган. Бу асоратлар пайдо бўлишини биз стандарт пластиналарда ўткир кырраларнинг борлиги ва атрофидаги юмшоқ тўқималарга тўлиқ тегмасидан деб ҳисоблаймиз.

Пастки жағ бўғим ўсимтаси соҳасидаги нуқсонларни ўрнини тўлдириш учун стандарт пластиналардан фойдаланганда, йирингли-яллиғланиш асоратлари кузатилмади.

Ушбу гуруҳдаги беморларнинг касалхонада даволаниш муддати ўртача 9,3 кунни ташкил этди. Беморнинг қўшимча жароҳати туфайли улар 58 кун давомида амбулатория шароитида даволанишди.

Беморларнинг МСКТ текшируви натижасида олинган маълумотлари асосида - имплантатларни аниқ шакли ва ҳажми, уни ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган материалларни ўрнатилган соҳада чўкиш фоизини ҳисоблаш учун (Юз-жағ соҳаси нуқсонларини ва деформацияларини ўрнини тўлдириш учун ишлатиладиган имплантатлар индивидуал равишда тайёрлашни ҳисоблаш дастури) компьютер дастури ишлаб чиқилди. Юқорида қайд этилган объект Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқи агентлигининг 3128-сонли реестрига киритилган.


Компьютер дастури МСКТ қилинган беморларнинг текшириш вақтида олинган маълумотларга асосланади: МСКТ дастурида мавжуд бўлган махсус функциядан фойдаланган ҳолда МСКТ – кесмаларида аниқланиши мумкин бўлган: нуқсоннинг қалинлиги, баландлиги, узунлиги, чуқурлигини (6-расм). Ушбу функция ҳар қандай кўрсатилган нутақларни чизик билан ўлчамларини аниқлаб бирлаштириш имконини беради.



6-расм. МСКТ кесимларида имплантат ўлчамларини аниқлаш

МСКТ-кесимларида - нуқсон ёки деформациянинг ўлчамлари, шакли учта параметр бўйича аниқланди: кенглик, баландлик, чуқурлик, буларни нуқсоннинг бир нечта жойидан олиш керак. Шундай қилиб, маълумотлар

киритиш varaғидаги мос келадиган катакчаларга киритиладиган тўққизта параметр олинади (7- расм).




7-расм. МСКТ кесимларида олинган ўлчамларни киритиш varaғаси

Конструкциянинг якуний вариантли varaғини имплантат ишлаб чиқариш учун техник лабораторияга юборилиши мумкин.

Мазкур дастурнинг қўлланилиши техник хатолар сонини сезиларли даражада камайтириш ва натижада имплантат ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган асоратлар сонини камайтириш имконини беради (нуқсон катталиги инобатга олинмаган, материалнинг физик-кимёвий хусусиятларини ўзгариши кузатиладиган, имплантатнинг нотўғри тайёрланиши).

Имплантат ва суяк текислигида ягона чизиқни тузмаслик сабабли юзага келадиган асоратларни олдини олиш учун, биз индивидуал тайёрланган имплантатнинг янги конструкциясини таклиф қилдик. Ўтувчи қисми ҳисобига суяк ва имплант нуқсон суяги текислигида битта чизиққа эга, бу нуқсон жойига ўрнатилиш жараёнида имплантни синиши каби асоратларни олдини олади (8-расм).



8-расм. Индивидуал тайёрланган имплантларни пастки жағга нисбатан жойлашуви

Индивидуал тайёрланган имплантлардан фойдаланишни клиник самарадорлигини баҳолаш учун стандарт клиник пластиналар билан клиник хусусиятлари (йирингли-яллиғланиш асоратлари ривожланиш ва пастки жағнинг харакатланиш ҳажми) ҳамда рентгенологик кўрсаткичлар (имплант жойлаштирилган соҳада суяк тўқималарининг ҳолати, кечиктирилган даврда имплантнинг ҳолати) шунингдек даволаниш кунлари қиёсий таҳлил қилинди. Шу мақсадда индивидуал тайёрланган имплантларнинг қўлланиш самарадорлигини баҳолаш схемаси ишлаб чиқилди (9-расм).



9-расм. Индивидуал тайёрланган имплантларнинг қўлланиш самарадорлигини баҳолаш

Бир йилдан сўнг рентгенологик текширув ўтказилганда, имплантнинг ўрнидан силжиши кузатилмади, у билан туташган соҳадаги суяк тўқималарида эса патологик ўзгаришлар йўқлиги аниқанди. Индивидуал тайёрланган имплантлар қўлланилган беморларнинг касалхонада даволаниш куни ўртача 6 кунни ташкил этди.

Пастки жағ нуқсонлари ва деформацияларида оператив аралашув қуйидаги босиқларда амалга оширилди: умумий интубацион оғриқсизлантириш остида, жарроҳлик соҳасига бетадин ва спирт билан ишлов берилгандан сўнг, стандарт чизиқлар бўйлаб кесилади. Босқичма-босқич тери, тери ости ёғ қавати, мушак, фасция ва периост то суяккача босқичма-босқич, қават-қават қилиб ажратилади. Сўнгра пастки жағдаги нуқсон тўлиқ кўринади. Нуқсон махсус винтлар билан маҳкамланадиган индивидуал имплантлар ёрдамида баргараф этилади. Сўнгра яра Викрил 4-0

синтетик иплари билан қаватма-қават тикилади. Ярага асептик боғлам қўйилади (10-расм).



10-расм. Пастки жағ нуқсонлари ва деформацияларида операция босқичлари

Индивидуал тайёрланган титан имплантнинг афзаллиги шундаки, операциядан олдин яхши мослаштирилган имплант операция муддатини сезиларли даражада қисқартиради. Имплантни рад этилиши, яллиғланиш асоратларининг фоизи жуда паст. Нафақат нуқсонлар, балки пастки жағ ҳаракати, овқат қабул қилиш, дикция тикланади. Энг муҳими, юз симметриясининг тикланишидир. Агар имплантга тиш имплантлари ўрнатилган бўлса, унда 2-3 ойдан сўнг протез қўйдириш мумкин.

Диссертациянинг «Пастки жағ нуқсонларни жарроҳлик йўли билан даволаш самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобида таклиф қилинган даволаш усулининг самарадорлиги таҳлил қилинади.

Самарадорликни баҳолаш учун пастки жағ нуқсонлари мавжуд беморларни стандарт пластинкалар, бўғим ўсиқлари ва индивидуал тайёрланган титан имплантлар ёрдамида ўтказилган реконструктив жарроҳлик амалиётининг клиник ва рентгенологик натижаларига асосланган, хусусан, эстетик самарадорлиги, функционал натижаси, беморларнинг даволашдан кейинги психоэмоционал ҳолати, бундан ташқари операция вақти давомийлиги, даволаш ва реабилитация муддати ҳамда операциядан кейинги асоратларнинг кузатилиш частотаси эътиборга олинди (2 жадвал, 11-расм).

2-жадвал

Индивидуал тайёрланган имплантатлар ва стандарт пластинкаларни қиёсий баҳолаш

Материал тури	Клиник кўрсаткичлар		Рентген кўрсаткичлар	Ётоқ куни
	Йирингли яллиғланиш жараёни ривожланиши	Пастки жағнинг ҳаракатланиши	Пастки жағга имплантат бриккан соҳасидаги ҳолати	
Индивидуал тайёрланган титан имплантат	Кузатилмади. Биринчи 3 кун давомида маҳаллий соҳада юмшоқ тўқималар шишганини кўриш мумкин.	Харакатланиш чегараланмаган	Қониқарли	6 кун
Стандарт пластиналар ва стандарт бўғим ўсиқлари	Операциядан кейин вақт ўтиб юмшоқ тўқималарни тешиб чиқиши ва яллиғланиш чақририши.	Харакатланиш чегараланган.	Ўзгаришсиз	9 кун

Биз томонимиздан олиб борилган тадқиқотлар давомида олинган натижалар индивидуал тайёрланган титан имплантлардан фойдаланган ҳолда муаллифлик усули ёрдамида пастки жағ нуқсонлари билан даволанган беморлар гуруҳи (2 гуруҳ)га нисбатан 1-гуруҳда етарли бўлмаган эстетик самарадорликнинг юқори частотасини (95%) характерлайди. Эстетик самарадорликка эришиш нуқтаи назаридан таклиф этилаётган технологиянинг самарадорлиги ҳам статистик, ҳам клиник жиҳатдан аҳамиятлидир.

Даволашдан кейинги функционал натижалардан беморнинг қониқиш ҳосил қилиши бўйича ҳам гуруҳлар орасида қиёсий баҳолаш амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларига кўра пастки жағ нуқсонлари стандарт пластинкалар ва бўғим ўсиқлари ёрдамида даволанган 1-гуруҳнинг барча беморларида салбий натижа (етарли бўлмаган функционал натижалар) кузатилди. 50% дан юқори қийматлар клиник жиҳатдан самарали таъсирга мос келади. Индивидуал тайёрланган имплантлардан фойдаланган ҳолда

ижобий функционал натижаларга эришмаслик нуқтаи назаридан салбий натижалар хавфи жуда паст. Бошқача қилиб айтганда, ижобий натижага деярли ҳар доим эришилди.

Жарроҳлик ва ортопедик реабилитация босқичи тугаганидан кейин беморларнинг психоэмоционал жиҳатдан қониқиш ҳосил қилиши каби кўрсаткич олиб борилган аралашув самарадорлигини баҳолашда юқори статистик ва клиник жиҳатдан муҳим ижобий натижаларга эришилганлик белгиси ҳисобланади. Юз симметриясининг тикланиши ва энг муҳими, чайнаш функциясини тикланишини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик ва ортопедик реабилитация босқичидан кейин қониқарсиз психоэмоционал ҳолат стандарт пластинкаларга нисбатан индивидуал равишда тайёрланган имплантларни қўллашда деярли кузатилмайди.


Пастки жағ нуқсонларини даволашда операция вақтининг давомийлиги, жарроҳлик амалиётини самарадорлигини баҳолашда муҳим меъзонлардан бири ҳисобланади. Стандарт пластинкалар ва бўғим ўсиқлари билан даволашга нисбатан индивидуал равишда тайёрланган титан имплантлар ёрдамида жағ нуқсонини тиклаш операцияси вақтининг давомийлиги ўртача 2,5 соатга қисқарди. Бунинг асосий сабаби стандарт пластинканинг ўлчамлари ва шаклини операция пайтида жағ нуқсони ўлчамига мослаштириш ва қолган жағ бўлагига маҳкамлашда кетадиган вақтни операция давомийлигини чўзилишига олиб келишидир. Операция вақтининг қисқариши ўз навбатида наркоз вақти ва дозасининг, шифокор иш вақтининг ҳам қисқаришига ҳамда операция харажатларининг қисқаришига олиб келади.

Олинган натижаларга кўра, индивидуал тайёрланган титан имплантлар ёрдамида даволанган 2-гуруҳ беморларида стационар шароитдаги ўртача койка кунни 6,0 кунни, стандарт пластинкалар орқали даволанган 1-гуруҳ беморларида эса 9,0 кунни ташкил этди ва тавсия этилган даволаш усулида анъанавий стандарт пластиналар билан даволаш усулига нисбатан 3,0 кунга қисқарган.

Операциядан кейинги кузатиладиган асоратларнинг турлари ва учраш даражаси даволаш усулининг самарадорлигини баҳолашда энг асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. 1-гуруҳ беморларда операциядан кейин 67,0% ҳолатда юмшоқ тўқималар перфорацияси, 22,0% ҳолатда оқма йўл ҳосил бўлиши, 11,0% ҳолатда яллиғланиш жараёнлари келиб чиққан (12 расм). Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра тақлиф этилган стандарт тайёрланган титан имплантлар орқали даволаш усулида бу асоратлар кузатилмади.

Пастки жағ нуқсонларини бартараф этиш учун биз томониздан ишлаб чиқарилган индивидуал тайёрланган титан имплантатлардан фойдаланиш суяк, бойлам-мушак ва нерв тузилмаларини оптимал равишда мослаштиришга ва пастки жағ функционал фаолиятини тиклашга имкон беради. Уч ўлчовли моделлаштириш методикасидан фойдаланиб жағ нуқсонларининг ҳажмий параметрлари аниқланади ва 1:1 нисбатдаги имплантатлар тайёрланади. Бу эса ўз навбатида реконструктив

операциядан кейинги кутиладиган натижаларнинг аниқлик даражасини оширади. Жағларнинг виртуал ва стереолитографик моделларидан фойдаланиш жарроҳлик аралашуви ўтказиш вақтини қисқартиришга хизмат қилади. Ҳаётий муҳим анатомик тузилмалар (нейроваскуляр тўпламлар)нинг интраоперацион 3D визуализацияси уларнинг шикастланиш хавфини минималлаштиради ва беморни реабилитация қилиш самарадорлигини оптималлаштиради.



11-расм. А, Б - ўсма сабабли пастки жағ бир қисмининг резекцияси; В, Г – Операциядан кейинги реабилитация ҳолати



12-расм. Стандарт пластинкалар ва бўғим ўсиқлари қўллаш билан довланган беморлардаги асоратлар бўйича тақсимланиши.

Шундай қилиб, тавсия этилган технологиядан ва индивидуал тайёрланган титан имплантатлар ёрдамида даволаш усулларидаан фойдаланган ҳолда операция қилинган беморлардаги жарроҳлик аралашувлари самардорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари, олинган натижаларнинг юқори клиник ва статистик аҳамиятини ҳамда тавсия этилган даволаш усулидан амалий соғлиқни сақлашда, хусусан, юз-жағ жарроҳлиги амалиётида фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Олиб борилган илмий ишда, пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари билан тиклаш жарроҳлик даволаш усули қўллаганда 95% ҳолатда унинг барқарор ижобий динамикага эришилгани ва юқори самардорлиги асосланди.

ХУЛОСАЛАР

«Пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари билан тиклаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Мултиспирал компьютер томография рентген текшируви ва 3D моделлаштириш натижалари асосида юз ва жағ суякларининг 1:1 ўлчамдаги модели олинди, жағ нуқсони жойлашган қисми ва ўлчамлари аниқланиб, олинган маълумотлардан фойдаланиб нуқсонни ўрнини босувчи пластик модел тайёрланди ва бу бизга уни жағ моделига ўрнатиб, жарроҳ ва беморга жарроҳлик амалиётидан кейинги кутилаётган натижани кўриш имконини берди.

2. Илк бор индивидуал тайёрланган титан имплантатга тиш имплантлари ўрнатиш технологияси ишлаб чиқилиб, жарроҳлик амалиётидан 2-3 ойдан сўнг олиб қўйилмайдиган тиш протезлари билан тиш қаторлари тикланди, энг муҳими нафақат нуқсон ўрни тикланди шу билан бирга юз ассимметрияси бартараф этилди, пастки жағнинг тўғри ҳаракати тикланди, овқат қабул қилиш, равон сўзлаш яхшиланишига эришилди.

3. Оператив давондан олдинги нур диагностикаси ташҳисининг замонавий услубларини қўллаган ҳолда реконструктив оператив давони режалаштириш жарроҳлик амалиёти вақтининг қисқаришини ҳамда жарроҳлик аралашувнинг муваффақиятини кафолатлайди.

4. Ишлаб чиқилган жарроҳлик амалиёти усулини виртуал компьютер модели жағ нуқсонларига аниқ ташҳис қўйишни босқичларини аниқ ифодалайди, шу билан бирга, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларнинг тўлиқ олдини олишга кўмаклашади. Жарроҳлик даволашни режалаштириш ва амалга оширишнинг аниқлигини оширади, натижада, беморларнинг тўлиқ тузалиш муддати 1,5 бараварга қисқаради.

5. Таклиф этилган пастки жағ нуқсонларини индивидуал тайёрланган титан имплантатлари билан тиклаш жарроҳлик даволаш усули қўллаганда 95% ҳолатда унинг барқарор ижобий динамикага эришилгани ва юқори самардорлиги асосланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТОЖИЕВ ФЕРУЗ ИБОДУЛЛО УГЛИ

**ВОССТАНОВЛЕНИЕ ДЕФЕКТОВ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ
ИНДИВИДУАЛЬНО ИЗГОТОВЛЕННЫМИ ТИТАНОВЫМИ
ИМПЛАНТАТАМИ**

14 00 21 - Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ– 2021

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.4.PhD/Tib156.3

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tsdі.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz)

- Научный руководитель:** **Азимов Азиз Мухамаджонович**
кандидат медицинских наук, доцент
- Официальные оппоненты:** **Супиев Турган Курбанович**
доктор медицинских наук, профессор (Казахстан)
- Баймурадов Шухрат Абдужалилович**
доктор медицинских наук, профессор
- Ведущая организация:** **SAMSUNG medical centr университет (Корея)**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 г в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте (Адрес:100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103.Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирован за № _____) Адрес: 100047, город Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.e-mail: uzmedicine@mail.ru; факс: (+99871) 230-47-99.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года).

Н.К.Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Л.Э. Хасанова

ый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

У.А.Шукурова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Медицинская реабилитация больных с дефектами, деформациями челюстей является актуальной проблемой в реконструктивной челюстно-лицевой хирургии. Такие дефекты вызывают значительные нарушения функции органов челюстно-лицевой области, обезображивание мягких тканей нижней зоны лица. Как свидетельствуют научные источники «...одним из наиболее тяжелых последствий травматизма является инвалидность. При этом причинами инвалидности лиц молодого возраста при травмах, только в 25-30% случаев является тяжесть травм, в 30-70% случаев - недостатки диагностики, лечения и организации медицинской помощи. Одной из причин возникновения дефектов головы и шеи являются онкологические заболевания и их последствия. В структуре всех выявленных злокачественных заболеваний опухоли головы и шеи составляют 6-10%...»³, из года в год заболеваемость онкологическими новообразованиями во всем мире продолжает возрастать, это указывает на необходимость усовершенствования методов лечения и профилактики данной проблемы.

В мире с целью изучения методов реабилитации больных с дефектами, деформациями челюстей ведутся многочисленные научные исследования. По мнению нескольких исследователей, наилучшим пластическим материалом являются ауто трансплантаты и стандартных пластинки из металла. При дефектах нижней челюсти применяются: ребро, гребень подвздошной кости, метатарзальная, большеберцовая и малоберцовая кость. Кроме того, вследствие различия архитектоники костной ткани нижней челюсти и трансплантата, в послеоперационный период могут наблюдаться случаи некроза или отторжения трансплантата. Данный метод невозможно использовать при лучевой болезни, при системных поражениях скелета, в детском и старческом возрасте. Реконструктивное лечение и реабилитация этих больных является актуальной проблемой медицинской науки и практики.

В Республике осуществляются целевые и практические мероприятия по реформированию системы здравоохранения и приравниванию ее к мировым требованиям, проводятся мероприятия по совершенствованию методов диагностики и восстановления дефектов нижней челюсти. В связи с этим, поставлены задачи по «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, поддержку здорового образа жизни и профилактику заболеваний, в том числе путем формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения ...»⁴. Это в свою очередь определяет актуальность темы лечения больных с дефектами нижней челюсти.

³ Кулаков А.А., Неробеев А.И., Рогинский В.В. Клинические рекомендации по диагностике и лечению пациентов с челюстно-лицевыми деформациями врожденного и приобретенного генеза // М.: 2014, С.34

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 года»

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Государственной программе, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 20 июня 2017 года и №ПП-3440 «Раннее выявление врожденных и наследственных заболеваний у детей в 2018-2022 гг.» от 29 декабря 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

